

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ
ФАРМОЙИШИ



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИНГ
БИЙЛИГИ

Нукус шаҳри

Некис каласы

№ 8-б

« 24 » январь 201 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 январдаги 52-ф-сонли фармойиши ижросини, шунингдек республика аҳолисини сифатли ва арзон картошка маҳсулотлари билан таъминлаш, барча ҳудудлардаги деҳқон бозорларида картошка нархининг барқарорлигини таъминлаш юзасидан 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экинларини экиш, уларга талаб этиладиган моддий-техника ресурслари, жумладан уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва кредитлар билан тизимли равишда таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 январдаги 52-ф-сонли фармойиши ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги фармойиши билан:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларининг 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер майдонларида етиштириш юзасидан берган таклифлари маъқулланганлиги;

б) Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экиш ва маҳсулотлар етиштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экадиган фермер хўжалиқларига талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва кредит бўйича ҳисоб-китоби 2-иловага мувофиқ;

2018 йилда эртаки картошка экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ва уларга талаб этиладиган уруғлик, моддий-ресурслар билан таъминлаш, маҳсулотларни йиғиштириб олиш, етиштирилган маҳсулотни деҳқон бозорларига тизимли етказиб беришни ташкил этиш бўйича республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) «Ўзбекозиковкатхолдинг» холдинг компаниясига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 25 январгача фермер хўжаликлари томонидан эртаки картошка экинларини экиш учун етишмайдиган уруғлик картошкани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларига тўлиқ етказиб бериш ва экиш учун уруғликлар захирасини яратиш чораларини кўриш топширилганлиги;

г) Ишчи гуруҳ (Вахабов)га, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига:

бир ҳафта муддатда эртаки картошка экинларини экиш, етиштириш, уруғлик, моддий-ресурсларини етказиб бериш, маҳсулотлар йиғиштириб олиш бўйича жойларда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

барча ҳудудларнинг тупрок-иклим шароитидан келиб чиқиб, эртаки картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кесимида жойлаштириш;

эртаки картошка экинларини экиш учун ҳудудларнинг тупрок-иклим шароитларидан келиб чиқиб, ҳудудларда 2018 йилнинг 15 февралигача ер майдонларни экишга тайёрлаш ишларини яқунлаш;

эртаки картошка экинларини экиш учун эртапишар навларни танлаш, уларни экишдан 30-35 кун олдин ундиришга қўйиш, эртапишар картошка навларини 2018 йилнинг февраль ва март ойларида экишни ташкил қилиш;

Тошкент шаҳри ва бошқа йирик шаҳарлар деҳқон бозорлари, тадбиркорлик субъектлари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари билан картошка маҳсулотларини сотиб олиш бўйича шартномаларни тузиш ва бўнақ маблағларини ажратилишини назоратга олиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманларида 2018 йилнинг февраль ва март ойларида мазкур фармойишга 1-иловада режалаштирилган майдонларга эртаки картошка экинларини белгиланган муддатларда сифатли қилиб экилишини ташкил этиш;

экилган эртаки картошкаларни ундириб олиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш бўйича мониторинг юритиш;

етиштирилган эртаки картошка ҳосилини пишиб етилишига қараб ўз муддатида йиғиштириб олиш ва тузилган шартномалари асосида деҳқон бозорларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари юқлатилганлиги;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекозиковқатҳолдинг» холдинг компанияси, улгуржи савдо ташкилотлари ва деҳқон бозорлари раҳбарларига:

икки ҳафта муддатда фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштириладиган эртаки картошка маҳсулотларини ички бозор ва истеъмолга ишлатилиши бўйича аниқ ҳисоб-китоблар ишлаб чиқиш;

2018 йил 1 февралгача эртаки картошка экадиган фермер хўжаликлари билан картошка маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш ишларини яқунлаш;

2018 йил 20 февралгача фермер хўжаликлари билан тайёрловчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар қийматининг камида 40 фоизи миқдорида бўнак маблағларини тўлаб бериш вазифалари топширилганлиги;

е) «Ўзнефтмаҳсулот» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ биржа савдоларига қўйиладиган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитлар миқдорини белгилашда эртаки картошка экадиган кишлоқ хўжалиги ташкилотлари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерлари учун талаб этиладиган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда минерал ўғитлар ҳажмларини инобатга олиш топширилганлиги;

ё) «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда эртаки картошка экиннинг касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш учун талаб этиладиган кимёвий воситалар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилганлиги;

ж) Тижорат банкларига фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари эртаки картошка экинлари экиш, уруғлик, моддий-ресурслар сотиб олиш, агротехник тадбирлар ўтказиш ва маҳсулотлар етиштириш учун эҳтиёж бўлган ҳолларда кредитларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиш тавсия этилганлиги;

з) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликларига ҳудудларда етиштирилган эртаки картошка маҳсулотларини Тошкент шаҳри ва бошқа йирик шаҳарлар деҳкон бозорларига етказиб бериш учун махсус вагонлар ажратиш ҳамда ўз муддатида етиб келиши бўйича катъий назоратга олиш вазифалари топширилганлиги;

и) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтига 2018 йилнинг 25 январига қадар:

республика ҳудудларининг тупрок-иқлим шароитидан келиб чиқиб, картошка экинлари навларини танлаш, уруғлик тайёрлаш, экиш, агротехник тадбирларни ўтказиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиб, эртаки картошка етиштирувчи фермер, деҳкон хўжаликлари раҳбарлари ва томорка ер эгаларига етказилишини таъминлаш;

2018 йилнинг январь ва февраль ойларида фермер, деҳкон хўжаликлари раҳбарлари ва томорка ер эгалари иштирокида эртаки картошка навларини танлаш, уруғлик тайёрлаш, экиш, агротехник тадбирларни ўтказиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чора-тадбирлари бўйича жойларда кўргазмали ўқув-семинарларни ташкил этиш вазифалари топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экиш ва маҳсулотлар етиштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар I -иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экадиган фермер хўжаликларига талаб этиладиган уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва кредит бўйича ҳисоб-китоби 2-иловага мувофиқ;

2018 йилда эртаки картошка экинларини экиш, махсулот етиштириш ва уларга талаб этиладиган уруғлик, моддий-ресурслар билан таъминлаш, махсулотларни йиғиштириб олиш, етиштирилган махсулотни деҳқон бозорларига тизимли етказиб беришни ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Ўзбекизоқовкатхолдинг» холдинг компаниясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили (К.Пирназаров)га Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 25 январгача фермер томонидан эртаки картошка экинларини экиш учун етишмайдиган уруғлик картошкани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларига тўлик етказиб бериш ва экиш учун уруғликлар захирасини яратиш чораларини кўрсинлар.

5. Ишчи гуруҳ (Ф.Султанов)га, туманлар ҳокимликларига:

беш кун муддатда эртаки картошка экинларини экиш, етиштириш, уруғлик, моддий-ресурсларини етказиб бериш, махсулотлар йиғиштириб олиш бўйича жойларда ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

барча ҳудудларнинг туپроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб, эртаки картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кесимида жойлаштириш;

эртаки картошка экинларини экиш учун ҳудудларнинг туپроқ-иклим шароитларидан келиб чиқиб, ҳудудларда 2018 йилнинг 15 февралгача ер майдонларни экишга тайёрлаш ишларини яқунлаш;

эртаки картошка экинларини экиш учун эртапишар навларни танлаш, уларни экишдан 30-35 кун олдин ундиришга қўйиш, эртапишар картошка навларини 2018 йилнинг февраль ва март ойларида экишни ташкил қилиш;

Нукус шаҳри ва бошқа йирик деҳқон бозорлари, тадбиркорлик субъектлари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари билан картошка махсулотларини сотиб олиш бўйича шартномаларни тузиш ва бундай маблағларини ажратилишини назоратга олиш;

туманларда 2018 йилнинг февраль ва март ойларида мазкур фармойишга 1-иловада режалаштирилган майдонларга эртаки картошка экинларини белгиланган муддатларда сифатли қилиб экилишини ташкил этиш;

экилган эртаки картошкаларни ундириб олиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш бўйича мониторинг юритиш;

етиштирилган эртаки картошка ҳосилини пишиб етилишига қараб ўз муддатида йиғиштириб олиш ва тузилган шартномалари асосида деҳқон бозорларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Туманлар ҳокимликлари ҳамда Нукус шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекизоқовкатхолдинг» холдинг компаниясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили улгуржи савдо ташкилотлари ва деҳқон бозорлари раҳбарлари:

икки ҳафта муддатда фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштириладиган эртаки картошка маҳсулотларини ички бозор ва истеъмолга ишлатилиши бўйича аниқ ҳисоб-китоблар ишлаб чиқиш;

2018 йил 1 февралгача эртаки картошка экадиган фермер хўжаликлари билан картошка маҳсулотлари сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш ишларини якунлаш;

2018 йил 20 февралгача фермер хўжаликлари билан тайёрловчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар қийматининг камида 40 фоизи миқдорида бўнақ маблағларини тўлаб бериш вазифалари топширилсин.

7. «Қорақалпоқ агрокимёҳимоя» АЖ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги туман ҳокимликлари билан биргаликда эртаки картошка экинининг касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш учун талаб этиладиган кимёвий воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсинлар.

8. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Ж.Хожаметов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экиш
ва маҳсулотлар етиштириш бўйича
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАР

№	Туманлар номи	Эртаки картошка экиладиган майдон, га	шу жумладан		Экиш муддати	Ковлаш муддати	Кутилаётган ялли ҳосил тонна	Уруғлик захираси
			фермер хўжаликларига	аҳоли томор-қасиغا				
1	Турткул	275	130	145	2018 й 20 март	2018 й 10 июнь	6050	Самарқанд вилояти
2	Беруний	275	130	145			6050	
3	Элликкальа	275	130	145			6050	
4	Амударё	225	80	145			4950	
5	Тахиятош	85	45	40			1870	
6	Хўжайли	74	26	48			1628	
7	Шуманов	71	26	45			1562	
8	Қонликўл	105	55	50			2310	
9	Қўнғирот	115	55	60			2530	
10	Нукус	140	60	80			3080	
12	Кегейли	120	50	70			2640	
13	Чимбой	120	50	70			2640	
14	Қораўзак	120	50	70			2640	
15	Тахтақуулар	100	50	50			2200	
Жами		2100	937	1163				



Қорақалпоғистон Республикаси туманларида 2018 йил ҳосили учун эртаки картошка экиладиган фермер хўжаликларига талаб этиладиган уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари ўғитлар ва кредит маблағлари бўйича

ХИСОБ-КИТОБ

№	Туманлар номи	Жами экиладиган майдон, га	Талаб этиладиган уруғлик		Талаб этиладиган минерал ўғит		шундан						Талаб этиладиган ЁММ		Жами талаб этиладиган маблағ млн. сўм	Шу жумладан	
			микдори тонна	киймати млн. сўм	микдори тонна	киймати млн. сўм	азот (соф ҳолда)		фосфор (соф ҳолда)		калий (соф ҳолда)		микдори тонна	киймати млн. сўм		ўз ҳисобидан	кредит маблағлар
							микдори тонна	млн. сўм	микдори тонна	млн. сўм	микдори тонна	млн. сўм					
1	Турткул	275	825	3300	124	386	55	104,5	41	241	27,5	39,9	33	181	3867	2320	1547
2	Беруний	275	825	3300	124	386	55	104,5	41	241	27,5	39,9	33	181	3867	2320	1547
3	Элликкальа	275	825	3300	124	386	55	104,5	41	241	27,5	39,9	33	181	3867	2320	1547
4	Амударё	225	675	2700	101	316	45	85,5	34	197	22,5	32,6	27	148	3164	1898	1265
5	Тахиятош	85	255	1020	38	119	17	32,3	13	75	8,5	12,3	10,2	56	1195	717	478
6	Хўжайли	74	222	888	33	104	14,8	28,12	11	65	7,4	10,7	8,88	49	1040	624	416
7	Шуманов	71	213	852	32	100	14,2	26,98	11	62	7,1	10,3	8,52	47	998	599	399
8	Қонликўл	105	315	1260	47	147	21	39,9	16	92	10,5	15,2	12,6	69	1476	886	591
9	Қўнғирот	115	345	1380	52	161	23	43,7	17	101	11,5	16,7	13,8	76	1617	970	647
10	Нукус	140	420	1680	63	196	28	53,2	21	123	14	20,3	16,8	92	1968	1181	787
11	Кегейли	120	360	1440	54	168	24	45,6	18	105	12	17,4	14,4	79	1687	1012	675
12	Чимбой	120	360	1440	54	168	24	45,6	18	105	12	17,4	14,4	79	1687	1012	675
13	Қораўзак	120	360	1440	54	168	24	45,6	18	105	12	17,4	14,4	79	1687	1012	675
14	Тахтақуулар	100	300	1200	45	140	20	38	15	88	10	14,5	12	66	1406	844	562
Жами		2100	6300	25200	945	2945	420	798	315	1843	210	305	252	1381	29526	17716	11810

Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгашининг

2018 йил «14» январдаги

8-8 - сон фармойишига 3-илова

2018 йилда эртаки картошка экинларини экиш, маҳсулот етиштириш ва уларга талаб этиладиган уруғлик, моддий-ресурслар билан таъминлаш, маҳсулотларни йиғиштириб олиш, етиштирилган маҳсулотни деҳқон бозорларига тизимли етказиб беришни ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

1. Ф.Султанов - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари**
2. Қ.Пирназаров - «Ўзбекозиковкатхолдинг» холдинг компаниясининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакили, **ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари**
3. Т.Романов - Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раиси ўринбосари
4. С.Шамшетов - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиги
5. Қ.Нуримбетов - Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
6. - Туман ҳокимлари ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси
7. Т.Султанов - Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиги
8. И.Давлетмуратов - Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари
9. Е.Абдимуратов - «Тахиятош нефт базаси» МЧЖ бошлиги
10. С.Джуманазаров - «Қорақалпоқ агрокимёхимоя» ХАЖ директори
11. Лавозим бўйича - Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари

